# ШАРТНОМА 1

**Чуама қишлоғи** **2022 йил “14’’феврал**

Чуама “Мурувват” уйи номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор М.Тоштемирова (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва танлов ғолиби бўлган “Pahtaobod orzu maqsad” МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи рахбари Ш.Мамажонов кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

## I Шартнома предмети

1.1 Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар хар куни Буюртмачини мижозларнинг овқат тайёрлаш хизматини хамда Ўзбекистан Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3 Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “ 14 ” февралдан.

2022 йил “ 31 ” мартгача.

1.4 Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк хисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб хисобланади.

## II Томонларнинг хуку к ва мажбуриятлари

2.1 Аутсорсер қуйидаги хуқуқларга эга:

2.1.1 Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2 Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3 Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

2.1.4 Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5 Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6 Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишиии талаб қилиш;

2.1.7 Қонун хужжатларига мувофик бошқа хукуклар.

2.2 Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли хамда оқилона фойдаланиши, саклаши, носоз холга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини коплаши;

2.2.2 Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат мухофазаси хамда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига катьий риоя этиши;

2.2.3 Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4 Махфийлик тартибига катъий риоя килиши;

2.2.5 Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6 Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик хажмда кўрсатиши;

2.2.7 Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8 Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабини бажариши;

2.2.9 Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хуқуқини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10 Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-аҳлоқ коидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11 Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12 Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13 Томонлар имзолайдиган тегишли кабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган холда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14 Мазкур шартномани бекор қилиш хақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15 Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);

2.2.16 Қонун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятлар.

2.3 Буюртмачи қуйидаги хукуқларга эга:

2.3.1 Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2 Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3 Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнннг кийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4 Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқлар.

2.4 Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1 Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар хақини тўлаши;

2.4.2 Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3 Қонун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятлар.

## III Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1 Мазкур шартноманинг иловасига мувофик хизматлар нархи **492565200 сўм** (Тўрт юз тўқсон икки миллион беш юз олтмиш беш минг икки юз) сўмни ташкил этади.

3.2 Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро хисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги киймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

2.3 Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи микдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса кегинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.

2.4 Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ; бўлмаган микдорда тўланади.

2.5 Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

## IV Томонларнинг мажбуриятлари

4.1 Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2 Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3 Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хуқуқий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4 Буюртмачига хар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг холатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5 Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда булган фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

## V Мунозарали вазиятларнн хал этиш тартиби

5.1 Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.

5.2 Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган холатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

## VI Форс-мажор колатлар

6.1 Томонлар мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар бундай холатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда холатлар ва алохида давр окибати хисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

## VII Якунловчи коидалар

7.1 Ушбу Шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг хақиқий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2 Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII Шартноманинг амал килиш муддати

8.1 Шартномани томонлар имзолаб, тегишли Газначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 31-декабр 2022 йилгача амал қилади.

## IX Томонларнинг манзили ва банк реквизитларн

**“Аутсорсер”**

“Pahtaobod orzu maqsad” МЧЖ

Манзил: Андижон вилояти Пахтаобод тумани, Нодирабегим МФЙ Мусаффо кўчаси

Х/Р: 20208000905462247001

Банк: АТБ Агробанк Пахтаобод филиали.

МФО: 00031 ИНН: 309055866

Рахбар: ____________ Ш.Мамажонов

**“Буюртмачи”**

Чуама “Мурувват” уйи

Избоскан туман, Чуама кишлоги, Ариқбўйи кўчаси 110 уй

Шх/р: 100021860032147101204344001

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 201671133 ОКОНХ: 91800

Ғазначилик номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги

х/р: 23402000300100001010

Банк номи:Марказий банк Тошкент шахри Бош бошк. ХККМ МФО 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Директор: ____________ М.Тоштемирова

Юрист: ____________ М.Каримов

2850465

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BIZNES ORZU-MAQSAD" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BIZNES ORZU-MAQSAD" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

28.02.2020 821455 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 307182900

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Andijon viloyati, Paxtaobod tumani, Paxtaobod, Nodirabegim mfy,

Guvohnoma: Andijon viloyati, Paxtaobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 20522 на приобретение Услуга по аутсосрсингу

Способ проведения электронный

Дата 10.02.2022

Время рассмотрения 28.01.2022 09:53

Конкурсная комиссия Чувама Мурувват уйи, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TOSHTEMIROVA MATLUBA BOYMIRZAYEVNA | Директор | Чуама "Мурувват" уйи |
| **Секретарь комиссии** | TOJIBOYEV BUNYODBEK NEMATOVICH | Бош хисобчи | Чуама "Мурувват" уйи |
| **Член комиссии** | MADAMINOVA MUNOSIBXON GULOMOVNA | Кадрлар инспектори | Чуама "Мурувват" уйи |
| **Член комиссии** | KABIROVA DILRABO ABDUPATTAYEVNA | Касаба уюшмаси раиси | Чуама "Мурувват" уйи |
| **Член комиссии** | VOXIDOV SHAVKATJON QOBULOVICH | Иқтисодчи | Чуама "Мурувват" уйи |
| **Член комиссии** | ATAXANOVA MOXIGUL ERGASHEVNA | Таом хамшираси | Чуама "Мурувват" уйи |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.02.2022 года № лота 20522.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Бир кунда 3 махал иссиқ овқат хамда 2 махал нонушта тайёрлаш учун бир беморга бир кунда 22000 сўмдан 6422 ўрин кунга, №1 дан № 15 столларгача муассаса томонидан бериладиган талабномада кўрсатилган таомларини, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёр талаблари асосида овқатларини тайёрлаш, санитария ва гигенияга амал қилиш, муассаса билан хафталик таомнома менюларини келишиб бориш. тадбиркорлик субъекти бўлиши, аутсорсинг хизмати бўйича камида 3 ойлик шартнома суммасига тенг маблағларга эга бўлиши, молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қонун хужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши лозим. |
| Количество товара | 6 422.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 22 000.00 |
| Стартовая сумма | 141 284 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |

| | |
|---|---|
| Подробное описание | Бир кунда 3 махал иссиқ овқат хамда 2 махал нонушта тайёрлаш учун бир беморга бир кунда 22000 сўмдан 10540 ўрин кунга, №1 дан № 15 столларгача муассаса томонидан бериладиган талабномада кўрсатилган таомларини, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёр талаблари асосида овқатларини тайёрлаш, санитария ва гигенияга амал қилиш, муассаса билан хафталик таомнома менюларини келишиб бориш. тадбиркорлик субъекти бўлиши, аутсорсинг хизмати бўйича камида 3 ойлик шартнома суммасига тенг маблағларга эга бўлиши, молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қонун хужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши лозим. |
| Количество товара | 10 540.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 22 000.00 |
| Стартовая сумма | 231 880 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
|---|---|
| Подробное описание | Бир кунда 3 махал иссиқ овқат хамда 2 махал нонушта тайёрлаш учун бир беморга бир кунда 22000 сўмдан 9540 ўрин кунга, №1 дан № 15 столларгача муассаса томонидан бериладиган талабномада кўрсатилган таомларини, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёр талаблари асосида овқатларини тайёрлаш, санитария ва гигенияга амал қилиш, муассаса билан хафталик таомнома менюларини келишиб бориш. тадбиркорлик субъекти бўлиши, аутсорсинг хизмати бўйича камида 3 ойлик шартнома суммасига тенг маблағларга эга бўлиши, молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қонун хужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши лозим. |
| Количество товара | 9 520.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 22 000.00 |
| Стартовая сумма | 209 440 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Аутсорсинг хизмати, хизматлар сифатли ва уз вактида санпин меъерлари асосида бажарилиши шарт. Менюлар буюртмачи томонидан кунлик ва хафталик бериб борилади. байрам кунлари байрам дастурхони ёзилиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Мухим аутсорсинг хизмати шартнома шартлари асосида бажарилиши овқатлар хилмахиллигига этибор қаратилиши керак

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО BIZNES ORZU-MAQSAD** | 20 | 556122000 | 20 | Экспертная | | |
| **"AZ MIR TOJ" mchj** | 20 | 553473800 | 20 | Экспертная | | |
| **PAXTAOBOD ORZU MAQSAD MCHJ** | 20 | 492565200 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ООО BIZNES ORZU-MAQSAD** | 582 604 000.00 | 556 122 000.00 | 02.02.2022 10:19:38 | 88.57 |
| **"AZ MIR TOJ" mchj** | 582 604 000.00 | 553 473 800.00 | 03.02.2022 17:53:39 | 89.00 |
| **PAXTAOBOD ORZU MAQSAD MCHJ** | 582 604 000.00 | 492 565 200.00 | 03.02.2022 18:59:19 | 100.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО BIZNES ORZU-MAQSAD** | Прошел | 88.57 | 88.57 |
| **"AZ MIR TOJ" mchj** | Прошел | 89 | 89 |
| **PAXTAOBOD ORZU MAQSAD MCHJ** | Прошел | 100 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 20522 от 10.02.2022 года на приобретение Услуга по аутсосрсингу определила победителем:

PAXTAOBOD ORZU MAQSAD MCHJ
309055866

и резервный исполнитель: "AZ MIR TOJ" mchj (306689808)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | VOXIDOV SHAVKATJON QOBULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MADAMINOVA MUNOSIBXON GULOMOVNA | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | TOSHTEMIROVA MATLUBA BOYMIRZAYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | KABIROVA DILRABO ABDUPATTAYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | ATAXANOVA MOXIGUL ERGASHEVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП